

*Toirov Ilkhomjon, senior teacher,*

*Fergana state university*

*Тоиров Илхомжон, катта ўқитувчи,*

*Фаргона давлат университети*

**SPIRITUAL AND EDUCATIONAL FOUNDATIONS OF THE FIGHT  
AGAINST INFORMATION THREATS**

**ИНФОРМАЦИОН ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ  
МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ АСОСЛАРИ**

***Annotation:** It is impossible to imagine the 21st century without the internet. Today, the Internet service is actively involved in the strategic tasks of the states. Indeed, today's problems with young people are very relevant for the prospects of any country. The spiritual perfection of young people is a very broad concept, which also embodies issues related to education. There can not be a word about the spiritual perfection of young people without the educational process.*

*In this article, the spiritual and educational foundations of the fight against Information threats are studied.*

***Keywords:** information culture, spirituality, education, ideological immune, globalism.*

***Аннотация:** XXI асрни интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бугун интернет хизмати давлатларнинг стратегик вазифаларини бажаришда фаол иштирок этмоқда. Ҳақиқатан ҳам бугунги кунда ёшлар билан боғлиқ муаммолар ҳар қандай мамлакат истиқболи учун ўта долзарб ҳисобланади. Ёшларнинг маънавий камолоти жуда кенг тушунча бўлиб, таълим-тарбия билан боғлиқ масалаларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Таълим-тарбия жараёнисиз ёшлар маънавий камолоти тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмас.*

*Ушбу мақолада информацион таҳдидларга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари тадқиқ этилган.*

*Калит сўзлар: ахборот маданияти, маънавият, таълим-тарбия, мафкуравий иммунитет, глобаллашув.*

Жамият ўз ривожининг барча босқичларида ахлоқий қоидалар ишлаб чиққан ва улардан фойдаланиб келган. Маълумки, инсоннинг ривожланиши учун ахборот жуда зарур. Шунинг учун ҳам ахборот – тўртинчи ҳаётий зарур элементдир. Ахборот тобора кўп жиҳатдан давлатнинг стратегик ресурси, ишлаб чиқарувчи кучи ва қимматбаҳо маҳсулоти бўлиб бормоқда. Инсоният турмуш тарзининг ривожланиши янги-янги кашфиётларнинг яратилишига сабаб бўлмоқда. Инсон янгилик яратиш жараёнида ҳар хил тўсиқларга дуч келади ва шу тўсиқларни енгиб ўтиш мобайнида яна янги ихтиролар вужудга келаверади. Лекин ҳаёт тажрибаларидан маълумки, кўпинча янги кашфиёт маълум бир муаммони ҳал қилиш жараёнида вужудга келади. Биз сўзсиз компьютер XX асрнинг буюк кашфиётларидан бири десак янглишмаймиз. Давр талабига кўра, бугунга келиб, компьютер технологияси жуда ривожланиб кетди.

Интернетдаги ахборот қуролларининг универсаллиги, яширинлиги, дастурий аппарат амалга оширилиши шаклларнинг кўп вариантлилиги, таъсирларнинг радикаллиги, вақт ва жой танлаш имконининг етарлилиги ва ниҳоят тежамлилиги, унинг жуда хавфсизлигини кўрсатади: у осонгина ҳимоя тизимига яшириниши мумкин, уруш эълон қилмасдан аноним шаклда хужум ҳаракатларини олиб бориши мумкин.

Ҳозирги даврда ишлаб чиқариш ва бошқариш, муҳофаа ва алоқа, транспорт ва энергетика, молия ва фан, таълим, ОАВ - барчаси ахборот алмашуви жадаллигига, ҳаққонийлигига, тўлиқлиги ва тезлигига боғлиқ. Шунинг учун жамиятнинг ахборот инфраструктураси - ахборот қуролининг нишонидир.

Глобаллашув жараёнларида информацион таҳдидларга қарши туриш учун аввало фуқароларимиз, айниқса ёшларимизда қуйидаги жиҳатларни шакллантиришимиз лозим: лоқайд бўлмаслик; фуқаролик позициясига эга бўлиш; ўз позициясини асослаб бериш; шахснинг сиёсий ва маънавий

жихатдан етук бўлиши; информацион билимларнинг юқори бўлиши; интернет саводхонлиги; компьютер ахлоқи ва одобининг шаклланганлиги; информацион маданият компонентларини шаклланганлиги; юқори даражадаги ижтимоий масъулият.

Ёшларимизнинг фаол қатлами бугунги ўзгаришларни аниқ тасаввур этади. Айни пайтда, яна шундай қатлам ҳам борки, юз бераётган воқеа-ходисаларни кузатмайди, кўпам қизиқавермайди, демак, моҳиятига ҳам етмайди. Ўқишга ҳаваси, хоҳиши юқори эмаслиги боис, «ўйинқароқлик» устун келади. Эртанги кунга тайёр бўлиш, ўзгаришларни чуқур ҳис этиш, илм-фан ёки бирор касбни чуқурроқ эгаллашга масъулият билан қарамайди. Кўпроқ ана шундай ёшларнинг ҳаётий мўлжаллари аниқ белгиланмагани кузатилади.

Ҳозирги кунда айнан ақлий тарбияга психологик-педагогик жихатдан янгича ёндашувларни излаб топишнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Таълим жараёнида болалар ақлий фаоллигини ривожлантириш таълимнинг турли шакл ва методларидан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ. Мактабда ўқитишни компьютерлаштириш икки йўналишда амалга оширилмоқда. Информатика предметини ўрганиш (компьютер – ўрганиш объекти) ва бошқа ўқув предметларини ўрганишда компьютердан фойдаланиш (компьютер – таълим воситаси). Шубҳасиз, компьютер ўқувчининг ўқишга рағбатини оширади. Шунингдек, ўқув топшириқларини мураккаблик даражасига кўра тақдим этишни изга солиб турувчи имкониятлар ортади, тўғри бажарилган топшириқ учун рағбатлантириш орқали ҳам мотивациянинг ўсишига эришиш мумкин. Эндиликда тобора ҳаётимиздан чуқурроқ ўрин олиб бораётган компьютер технологияларидан бошланғич таълим жараёнида фойдаланишнинг аниқ имкониятларини белгилаш, ушбу жараённинг педагогик, физиологик, гигиеник ва тиббий асосларини чуқур ўрганиш, бу соҳада ривожланган давлатлар таълим тизимидаги илғор тажрибаларни Ўзбекистон таълими амалиётига жорий этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан ҳисобланмоқда.

Юртимизда умумий ўрта таълим мактабларида таълим сифатини яхшилаш, уни замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланган ҳолда ташкил этишга ҳозирги кунда катта эътибор қаратилмоқда. Умумий ўрта таълим мазмуни ва тузилмасини такомиллаштириш мақсадида бошланғич мактабларда «информатика» фанини ўқитишни кичик мактаб ёшидаги ўқувчи саводхонлигини таъминлашнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш зарурати туғилмоқда. Бу эса Ўзбекистон бошланғич таълим босқичида «информатика» фанига кириш курси бўйича махсус ўқитиш методикаси, мазмун ва тузилмасини ишлаб чиқишни, давлат таълим стандартлари минимал даражаларини белгилаш асосида ушбу фанни алоҳида ўқув предмети сифатида бошланғич мактаб ўқувчиларига 2 – 4-синфдан ўқитишни тақозо этмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бошланғич синф ўқувчиларида компьютердан фойдаланиш малакаларини юқори даражада ўзлаштириш учун етарли имконият мавжуд. Таъкидлаш жоизки, ўқувчининг образли тафаккур юритиш хусусияти компьютер ёрдамида ўқув материалининг схемалар, расмлар, жадваллар ва диаграммалар шаклида интенсив тарзда ўзлаштирилишига ёрдам беради. Компьютер шундай кенг имкониятли қурилмаки, ўқув жараёнида мукамал ишланган ўқув дастуридан фойдаланиб жуда катта таълим самарадорлигига эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда ёшларимизнинг китобларни кам мутолаа қилишда айблаймиз. Ҳа, тўғри, ҳозирги кунда ёшларимиз, нафақат ёшлар, балки аксарият одамлар китобларни кам ўқишмоқда. Бизнинг фикримизча, бу табиий ҳол. Бунинг ўзига ҳос сабаблари бор, албатта. Бу одам миясининг ахборот қабул қилиш қобилияти ва ахборотлар оқимининг кескин ошганлиги билан изоҳланадиган номутаносибликдир.

### **ХУЛОСА.**

Баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш методлари, шакллари фанларни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологияларни яратишга ижодий шароит яратади. Хулоса қилиб

айтганда, агар биз ёшларимизнинг онги ва рухиятини зарарли мафкуралардан катъият билан ҳимоя қилсак, ҳар қандай ғаразгўй кучлар мамлакат мустақиллиги ва унинг порлоқ келажагига раҳна сола олмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқоров Р. Мафкура полигонларидаги олишувлар. – Тошкент: Akademiya, 2007.

2. Алимова Д. Инсоният тарихи – ғоя ва мафкуралар тарихидир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.

3. Kuzibaevna, O. G. (2020). TECHNOLOGIES OF DEVELOPING THE ECOLOGICAL CULTURE OF STUDENTS IN THE PROCESS OF LEARNING A FOREIGN LANGUAGES IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. *Solid State Technology*, 63(1s), 1816-1825.

4. Каримов, У. У. (2017). РОЛЬ СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017)* (pp. 1189-1192).

5. Каримов, Ў., & Каримова, Г. (2021). АХБОРОТ ОҚИМИ ВА АХБОРОТ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. *Scientific progress*, 2(3), 743-750.

6. Каримов, У., & Каримова, Г. (2018). ГЕОПОЛИТИЧЕСКАЯ КОНКУРЕНЦИЯ В ИНФОРМАЦИОННОМ ПРОСТРАНСТВЕ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2018)* (pp. 1368-1372).

7. Каримов, У. (2017). ИНФОКОМТЕХНОЛОГИИ (ИКТ) ФОРМИРОВАНИЕ ДУХОВНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК ЛИЧНОСТИ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017)* (pp. 1160-1163).